

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

**Қўлёзма ҳуқуқида
УЎК: 657.6-048.32:336.713(575.1)**

ОРОМИДДИНОВ МУЗАФФАР ПАРДАБАЕВИЧ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИЧКИ АУДИТНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ДИССЕРТАЦИЯСИ

илмий рахбар: и.ф.н профессор З.А.Умаров

ТОШКЕНТ-2025

МУНДАРИЖА

КИРИШ..... 4

**I БОБ. БАНК ИЧКИ АУДИТИНИНГ МОҲИАТИ, УНИНГ БАНК
ҲАОЛИЯТИДАГИ ҶУРНИ.....Ошибка! Закладка не определена.**

1.1. Банк ички аудитининг моҳияти ва аҳамияти **Ошибка! Закладка не определена.**

1.2. Тижорат банклари ички назорат тизимида ички аудит функциялари
.....**Ошибка! Закладка не определена.**

1.3. Хорижий банк амалиётида корпоратив бошқарувда ички аудит хизмати
фаолияти..... **Ошибка! Закладка не определена.**

1.4. Биринчи боб бўйича хулоса..... **Ошибка! Закладка не определена.**

**II БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИЧКИ АУДИТНИ ТАШКИЛ
ҚИЛИШ ВА ЎТҚАЗИШ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ. Ошибка! Закладка не
определена.**

2.1. Тижорат банкларида ички аудитни ташкил этиш амалиёти **Ошибка!**
Закладка не определена.

2.2. Тижорат банкларида ички аудитни ўтказиш жараёни. **Ошибка! Закладка
не определена.**

2.3. Банк ички аудитида рискларни бошқариш **Ошибка! Закладка не
определена.**

2.4. Иккинчи боб бўйича хулоса..... **Ошибка! Закладка не определена.**

**III БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИЧКИ АУДИТНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ Ошибка! Закладка не
определена.**

3.1. Тижорат банкларида ички аудитни амалга ошириш жараёнини
такомиллаштириш..... **Ошибка! Закладка не определена.**

3.2. Халқаро ички аудит стандартлари асосида банк ички аудитини
такомиллаштириш..... **Ошибка! Закладка не определена.**

3.3. Учинчи боб бўйича хулоса**Ошибка! Закладка не определена.**

ХУЛОСА**Ошибка! Закладка не определена.**

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**Ошибка! Закладка не определена.**

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда сўнгги йилларда юзага келаётган молиявий инқирозлар тижорат банкларидаги ички аудит ва рискни бошқариш жараёнларини такомиллаштириш заруратини кўрсатди. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, самарали ички аудит тизими инқирозларнинг олдини олишга ёрдам беради. Бугунги банк тизимида рискларнинг интеграциялашган баҳоланиши муҳим аҳамият касб этади. Бу жараён банкларининг умумий рискларни бир тизимда баҳолаш ва таҳлил қилиш орқали амалга оширилишини таъминлаш, халқаро даражада ички аудитнинг роли банк фаолиятидаги молиявий ва номолиявий рискларни тезкор аниқлаш ва баҳолашда муҳим. Ички аудиторларнинг халқаро институти ички аудитни 2035 йилга келиб, турли соҳалардаги барча даражадаги ички аудиторлар янги рисклар ва ўзгарувчан аудит ландшафтларини ишончли бошқариш учун ваколатларга ва манфаатдор томонларнинг тўлиқ ёрдамига эга бўлишини¹ тахмин қилмоқда. Бу дунёда банк тизимида рискларни минималлаштириш, корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишда ички аудитни самарали ташкил этиш ва такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эга ва долзарб масалалардан ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида банкларда ички аудитнинг аҳамияти, уни ташкил қилиш зарурати, рисклардан ҳимоя қилиш воситаси, банк рискларини баҳолаш, рискларни юзага келиш сабабларини аниқлаш, уларни бошқариш, корпоратив бошқарувга банк фаолияти ҳақида маълумот беришда ички аудитга бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган. Тижорат банкларида ички аудитни такомиллаштириш масаласи Базел қўмитаси, Ички аудиторларнинг халқаро институти, COSO ташкилоти, Халқаро бухгалтерия стандартлари кенгаши, Халқаро барқарорлик стандартлари кенгаши, Халқаро аудит стандартлари қўмитаси томонидан олиб борилмоқда. Корпоратив бошқарув кодекслари, ички аудитнинг халқаро стандартларига киритилаётган

¹ <https://ia-vision2035.org/Internal-Audit-Vision-2035-Creating-Our-Future-Together>

Ўзгаришлар банкларда ички аудитни ташкил қилиш билан боғлиқ илмий тадқиқотларни янги ёндашувларда олиб боришни талаб қилади.

Ўзбекистонда банк тизимини ислоҳ қилиш, унинг самарадорлигини оширишнинг асосий йўналиши сифатида “корпоратив бошқарувнинг илғор стандартлари ва тажрибасини жорий этиш орқали банкларда бошқарувни такомиллаштириш, банк бошқаруви органлари ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффофлигини ҳамда улар томонидан маълумотларни лозим даражада ошкор этилишини таъминлаш”² белгиланганлиги рисклардан ҳимоя қилишнинг асосий воситаларидан ҳисоблаган ички аудитни тўғри ташкил қилиш зарурлигини белгилайди. Ушбу ҳолатлар тижорат банкларида ички аудитни самарали ташкил этиш, ички аудитнинг халқаро стандартлари асосида ички аудитни амалга ошириш юзасидан илмий изланишларни олиб боришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон ««Ўзбекистон–2030» стратегияси тўғрисида»ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари, 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармони, 2020 йил 12 май

республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳукукий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ички аудитни ташкил этиш ва амалга ошириш, жумладан, тижорат банкларида ички аудитни ўрганиш ҳар доим олимларнинг диққат марказида бўлган. Жумладан, хорижлик иқтисодчи олимлардан M.Alles, A.Kogan, M.Vasarhelyi, M.Arena, M.Arnaboldi, Г.Аzzone, K.Endaya, M.Hanefah, A.Gramling, M.Maletta, A.Schneider, B.Church, H.Katuli, J.Lam, P.Mwai, S.Wabala, K.Ogada, A.Schneider, J.Vincent, C.Mutembei, Н.Товма³лар ва бошқалар тадқиқот олиб борган.

Ички аудитнинг моҳияти, банкларда ички аудитини ташкил этиш, амалга ошириш, жумладан бизнес жараёнларни ички аудитдан ўтказишда мавжуд муаммолар, уларни ҳал қилишга қаратилган илмий тадқиқотлар маҳаллий олимлар К.Ахмеджанов, Р.Дўстмуратов, А.Ибрагимов, Ш.Илхамов Н.Каримов, С.Меҳмонов, З.Умаров, А.Авлокулов, А.Раҳимов⁴ ва бошқалар томонидан олиб борилган.

³ Alles, M. G., Kogan, A., & Vasarhelyi, M. A. (2018). Putting Continuous Auditing Theory into Practice: Lessons from Two Pilot Implementations¹. In Continuous Auditing (pp. 247-270). Emerald Publishing Limited.; Arena, M., Arnaboldi, M., & Azzone, G. (2010). The organizational dynamics of Enterprise Risk Management. Accounting, Organizations and Society, 35(7), 659-675.; Endaya, K. A., & Hanefah, M. M. (2016). Internal audit effectiveness: An approach proposition to develop the theoretical framework. Research Journal of Finance and Accounting, 7(4), 80-89.; Gramling, A. A., Maletta, M. J., Schneider, A., & Church, B. K. (2004). The role of the internal audit function in corporate governance: A synthesis of the extant internal auditing literature and directions for future research. Journal of Accounting literature, 23, 194.; Katuli, H. (2019). Implementation Of Internal Audit Recommendations In The Local Government Authorities (LGAS): A Case Of Dar es Salaam Region (Doctoral dissertation, Mzumbe University).; Lam, J. (2014) Enterprise Risk Management: From Incentives to Controls. John Wiley & Sons; Mwai, R., Wabala, S., & Ogada, K. (2023). Role of ICT Risk Management on Insider Fraud Prevention in Commercial Banks in Nairobi County. DOI: 10.47604/ijts.2135.; Schneider, A. (2015). An examination of whether incentive compensation and stock ownership affect internal audit quality. PhD Thesis, University of Tennessee.; Vincent John, E., & Mutembei, C. (2023). Effect of Internal Audit on Financial Performance of Commercial Banks Listed in Nairobi Securities Exchange, in Nairobi County, Kenya. DOI: 10.9734/ajeba/2023/v23i161026.; Товма Н.А. Развитие внутреннего аудита в Республике Казахстан KazNU Bulletin. Economics series. №3 (109). 2015

⁴ Ички аудит. ўқув қўлланма/ К.Б. Ахмеджанов - Тошкент: Иқтисодиёт, 2019.- 240 б.; Р.Д.Дўстмуратов Аудит асослари. Дарслик . Давлат Илмий Нашриёт «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» нашриёти Т ;– 2018. 286 - бет.; Ибрагимов А.К. Аудитнинг халқаро стандартлари асосида тижорат банкларида ички аудитнинг ташкилий асослари. Ўқув қўлланма. -Т.: Молия, 2013. - 384 б.; Илхамов Ш.И. Ички аудитни ташкил этиш концепцияси, “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 6, noyabr-dekabr, 2021 yil, <http://iqtisodiyot.tsue.uz>; Каримов Н.Ф. Тижорат банкларида ички аудитни ташкил қилиш ва уни такомиллаштириш муаммолари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати – Т.: 2007. - 42 б.; Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида ички аудит фаолиятининг назарий ҳамда амалий жиҳатлари // Иқтисод ва молия / Экономика и финансы. 2015. №10.; Z.A.Umarov, A.K.Ibragimov, A.Z.Avlokulov, A.M.Rahimov – Bank auditi metodologiyasi / darslik – Т.: «Nihol print» OK, 2022. – 480 б.